



190551, Qiziriq tumani, Ibn Sino ko'chasi 13-uy, tel.: 0(376) 35-91-159, fax: 0(376) 35-91-575

2020 yil " 23 " Апрель

K -622- sonli

**Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга  
тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-  
тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар ахолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.
2. Сурхондарё вилоят “Сувоқова” давлат унитар корхонаси Қизириқ туман филиали марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот қилиб белгилансин.
2. Сурхондарё вилоят “Сувоқова” давлат унитар корхонаси Қизириқ туман филиали томонидан туман ахолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви микдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Вилоят “Сувоқова” давлат унитар корхонаси Қизириқ туман филиалига: ичимлик сувини белгилangan тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини; истеъмолчиларга етказиб берилган тоза ичимлик суви бўйича ҳисобкитобларни белгилangan тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.
4. Туман ҳокимлиги ахборот матбуоти (А.Бўриев) ва “Тараққиёт” газетаси таҳририяти (Ч.Алимов)ларга мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатни “Тараққиёт” газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига